

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!


• 2009-yil • 13-oktabr • Seshanba • 121 (30.081) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!



Янги корхона ишга туширилди

Беруний туманида «Бертекс» масъулия-ти чекланган жамият иш бошлади.



Юртимизда изчил давом этаётган иқтисодий ислохотлар натижасида туманларимизда ҳам янги-янги корхоналар ишга тушириляпти. Бундай корхоналар янги иш ўринлари яратиши билан бир қаторда маҳаллий хомашёлардан зарур саноят маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Бертекс» масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик санояти учун зарур бўлган ип калава тайёрланади. Ушбу кор-

хона ойига 180-200 тонна ип калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозиргача қарийб 100 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада 650 тонна ип калава ишлаб чиқарилади.

Янги корхонанинг ишга туширилиши туманда касб-хунар коллежини битирган ёшларга яна бир қулайлик яратди. Энди улар коллежда олган билимларини бу ерда амалиётда синая қўриб, касб сирларини ўрганамоқда.

Суратларда: «Бертекс» масъулияти чекланган жамият оператори Севара Оллаёрова ва мастер ёрдამчиси Умид Машарипов иш жараёнида. Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдამчиси Роберт Блейкини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари қўллаб-сўхалардаги ҳамкорликни, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби кенг қўламадаги халқаро масалаларни қамраб олиши-

ни қайд этди. Мамлакатларимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, Афғонистонни иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келимоқда. Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда.

Роберт Блейк самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини янада ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси қонуна-рини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Парламент қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, суд-ҳуқуқ тизимидаги идора ва му-

ассасаларнинг матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари А.Рустамов, Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ҳ.Жўраев ва бошқалар мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаёти ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар парламент қўйи палатаси фаолиятида ҳам ақс этаётганини таъкидлади. Миллий қадриятларимиз

ва жаҳон тажрибаси асосида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан тарғиб қилишга қаратилган қонунлар яратилди. Қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушуниришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Юртимиз оммавий ахборот воситалари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти, фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаши, ўтказиётган турли тадбирлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолияти кенг ёритиб борилаётган. Оммавий ахборот воситалари орқали қонун ҳужжатларининг аҳамияти,

мақсад ва вазифаларини аҳолининг барча қатламларига етказиш, тушунириш, шарҳлашда депутатлар, ҳуқуқшунослар фаол иштирок этмоқдалар. Шу билан бирга, тадбирда қонунлар тарғиботида бағишланган тахлилий материалларнинг қамлиги, уларнинг сифати ҳамма вақт ҳам талабга жавоб бермаётгани қайд этилди. Бу йўналишда журналистиканинг турли жанрлари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш яхши самара бериши таъкидланди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси қонуна-рини оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш-ни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирилди, фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЎЗХДП минтақавий кенгашлари пленумлари

СИЁСИЙ КУРАШДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ

барчамиздан катта масъулият талаб этади, дея таъкидланди Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоят партия кенгашлари пленумларида

Пленумлар иштирокчилари, аввало, ўтган сайловлардан ҳозирги кунгача бўлган даврда партия ташкилотларининг фаолиятини ўзига хос сарҳисоб қилдилар. Шу билан бирга, бўлажак сайловларга тайёргарлик масалаларини батафсил муҳокама этдилар.

— Бугун бор диққат эътиборимиз декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга қаратилган, — деди ЎЗХДП Бухоро вилоят кенгаши пленумида вилоят партия ташкилоти етакчиси Саида Жўраева. — 2004 йилда ўтказилган сайловларда эришган натижаларимиздан асло

қониқмаймиз. Сабаби, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиладиган вилоятимиздаги 7 та округдан атиги иккитаси, халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 округдан 15 таси, туман ва шаҳарлар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 364 округдан 102 тасида номзодларимиз ғолиб чиққанди. Бухоро, Когон, Олот, Пешку, Қоровулбозор туманларидан вилоят Кенгашига бирорта ҳам ўринга эга бўлолмадик. Хўш, бунга қандай сабабларни рўқач қила оламиз?..

— Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, бунинг

асосий сабабларидан бири, депутатликка номзодларни танлашда жиддий хатоликка йўл қўйганимизда, — деди Когон туманидаги 2-мактаб ўқитувачиси, партия фаоли Бону Комилова. — Иккинчидан, сайлов кампанияси даврида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўя олмадик. Мавжуд имкониятларимиздан ҳам тўла фойдаланишга ҳаракат қилмадик. Бу галги сайловлар жуда кескин кечиши аниқ. Унда ҳаммамиз сиёсий кураш масъулияти ва маданиятини унутмаслигимиз керак.

(Давоми 2-бетда)

ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА



Тошкентда 14-15 октябрь кунлари V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Cotton Outlook» журнали билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан соҳага ихтисослашган компанияларнинг юзлаб вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.

Юртимизда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аънавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва пахта ни қайта ишлаш саноятида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ёрқин самарасидир. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2005 йилда ilk бор ташкил этилган ушбу ярмарка мамлакатимизда пахта ни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ўтган йиллар мобайнида унда иштирок этаётган хорижий ишбилармон доиралар вакиллари сони муттасил ортиб бораётгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозоридан нуфузи тобора ошаётганидан далолатдир.

Тошкент ярмаркасига 2008 йили 34 мамлакатдан 300 дан зиёд компания ва пахта бизнеси

соҳасида фаолият кўрсатаётган 400 нафардан ортиқ вакил ташриф буюрди. Бу гал иштирокчилар жўғрофияси янада кенг, сони янада кўп бўлиши кутилмоқда. Қайд этиш жоизки, ўтган йиллари пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. Хусусан, 2008 йили ярмарка якуни бўйича 950 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди. Бу ўзбек паختасига жаҳон бозорида талаб катталиги ва унинг тақлиф этилаётган ҳажми хар доим тўла харид қилинаётганини тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси ҳам тоифаси, ҳам микроноейри бўйича экспортлар томонидан энг сифатли деб эътироф этилаётди. Ўзбекистонда фермерликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит yaratилган — микрокредитлаш, зарур техника ва материаллар билан

имтиёзли таъминлаш йўлга қўйилган, етиштирилган ҳосилни маҳаллий ва хорижий истеъмолчиларга ишлаб чиқарувчилар учун фойда келтирадиган нархда сотишнинг халқаро талабларга жавоб берадиган меъёрий базаси шакллантирилган.

Ўзбек паختасига халқаро бозорда талаб катта, негаки, унинг кўрсаткичлари жаҳондаги энг яхши стандартларга мос келади. Масалан, 2008 йили пахтанинг энг истикболли, эртагишар ва сёрхосил, толаси узун, тоза, ранги ёрқин, микроноейри 3,5-4,9 гача бўлган йиғирмага яқин нави сотувга қўйилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган пахтачилик мажмуини ривожлантириш стратегияси пахта ва хар томонлама ўйланган бўлиб, барча босқичлар — пахта селекцияси, уни районлаштириш, териб олиш ва сақлашдан тортиб, то харид қилинган тола ни истеъмолчиларга етказиб беришнинг энг мақбул йўналишларини

ташкил этишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Изчиллик билан амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мамлакатимизнинг экспорт бозори жўғрофияси янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон пахта толаси Хитой, Россия, Эрон, Хиндистон, Бангладеш, Покистон, Корея Республикаси, Туркия, Вьетнам сингари қўллаб мамлакатларга экспорт қилинаётди. Жануби-Шарқий Осиёда жадал ривожланаётган тўқимачилик саноятининг ўзбек паختасига эҳтиёжи мунтазам ошиб бормоқда. Мазкур минтақадан ярмаркада катнашаётган трейдерлар сонининг ошаётгани ҳам бунга тасдиқлайди.

Бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, шубҳасиз, жаҳон пахта бозорида муҳим иқтисодий воқеага айланиб, мамлакатимиз иқтисодиётини янада изчил ривожлантириш ва халқаро майдонда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилди. Хорижлик ишбилармонларга ўзбекистонлик ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни янада кенг йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

МАҚСАД ВА МАСЛАГИМИЗНИ
АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК **2**

БОЛАЛАРИНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ!.. **3**

АЛУШТАДА КУРАШ БАЙРАМИ **4**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

СИЁСИЙ КУРАШДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ

барчамиздан катта масъулият талаб этади, дея таъкидланди
Бухоро, Навоий, Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоят партия кенгашлари пленумларида

Дарвоқе, ўтган сайловларда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланган айрим партиядошларимиз ўз округларида сайловчилар билан кам учрашдилар. Шу боис, айрим туманлардаги депутатлик гуруҳлари муайян маддали ўрганиб, муаммони сессия кун тартибига олиб чиқа олмади. Холбуки, вилоятда партия электоратини ташвишга солаётган муаммолар бор.

— Депутатлик мартаба эмас, масъулият, — деди Қорақул туман партия кенгаши раиси Файзулла Бебудов. — Халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган сафдошларимиз бунчи яхши англаганлари боис сессиялар кун тартибига ичимлик сув, газ таъминоти масаласини олиб чиқдилар. Бу борадаги муаммоларни ҳал этишнинг аниқ чоралари белгиланди. Бу йилги сайловларга ҳам жиддий тайёргарлик кўряпмиз. Бўлажак номзодлар ҳар томонлама ўрганиляпти. Бунда, асосан партия фаоллари фикрига таянганлик. Биз бўлажак сайловларда ҳалол рақобат ва демократик асосдаги сиёсий кураш тарафдоримиз.

Пленумда сўзга чиққан Бухоро тиббиёт коллежи ўқитувчиси Абдулла Олимов, Вобкент туман партия кенгаши раиси Толиб Авезов ва бошқалар сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар ўртасида баҳс-мунозара кескин тус олиши табиийлиги, бунда ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда, партия хатти-ҳаракатларига амалий ишларимиз билан жавоб бериш кераклигини таъкидладилар.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева сўзга чиқиб, маҳаллий партия кенгашларининг сайлов кампанияси жараёнидаги устувор вазифалари ҳақида сўз юритди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Каримов сайловлар тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгаришлар хусусида батафсил тўхтади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг пленумида мамлакат минтақаларини ривожлантиришга қаратилган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг стратегик сиёсий вазифалари муҳофазат этилди. Вилоят партия кенгаши раиси Шерали Умаров бу борада батафсил тўхтади. Бу йилги сайловлар олдингиларидан фарқ қилажиги, парламентда катта вакилликка эга бўлиш осон кечмаслигини алоҳида қайд этди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши пленумида партия ташкилотларининг электорат олдидаги масъулиятини янада ошириш асосий вазифалардан эканлиги таъкидланди. Бунда асосий эътиборни партия фаоллари, аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДПдан сайланган депутатларда мамлакатда амалга оширишга қаратилган стратегиясини шунчаки маъқуллаш бугунги кунда етарли эмаслиги ҳақидаги тушунча шакллантириш ва уларнинг ижтимоий устувор вазифаларини амалда ҳал қилишдаги иштирокини кучайтиришга қаратиш кераклиги ҳақида сўз юритилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шунингдек, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоят кенгашлари пленумларида ҳам партиянинг 2009 йил 27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари га бўладиган сайловларда иштироки тўғрисидаги масала батафсил муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси VII қурултойига делегатлар сайланди.

Газнов қишлоғини Сўхнинг остонаси дейишади. Бу ерда етти юзга яқин хонадон бор. Ҳамқишлоқлар бир оиладек яшайдилар. Қайси ҳовлида қувончли воқеа, қайсинида ташвиш — барчаси ўртада, барчанинг кўз ўнгиди.

Ёши тўқсонни қоралаётган Собиржон Аъзамов газновликларнинг доғуғийи. Собиржон ота умр бўйи тракторчилик қилди. Рафиқаси Раддихон ая билан саккиз фарзанд кўрди. Уларнинг ҳаммаси эл-юрт хизматарида. Айниқса, Мадалихўжа абжир чикди. Фарғонадаги санат айтилими юртини тугатган, матбуот савдо тизимида бироз ишлади. Сўнгра кичик ишлаб чиқаришга яратилган шарт-шароитлар уни ўзига ром этди.

Сўх нафақат табиати гўзал диёр, балки тоғу тошлари минералларга бой макон. Мадалихўжа маҳаллий хомашёдан ганч ва оҳак ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Бунинг учун у «Агробанк»нинг Сўх бўлимидан ўн миллион сўм кредит олди. Ота дуоси билан иш бошлаган Мадалихўжа «Мулки Парвина» корхонаси маҳсулотларини Марғилону Қўқонгача етказди. Сўх ганчининг сифати юқорилиги, тез қуриши ва мустақамлиги усталар эътиборини тортиди. Шундай қилиб, «Мулки Парвина»ни Фарғона водийсининг ҳамма ерида танийдиган бўлдилар. Ҳозир бу ерда 23 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Мадалихўжанинг ниятлари эса катта.

— Сўхда гўзал ва кўркам бинолар бунёд этадиган қурилиш ширкати тўзсам, — дейди у. — Дастлаб, моддий-техник асос яратиш керак. Шунинг учун ҳозирча юк машинаси, экскаватор сотиб олдик. Энди кўтарма кран керак бизга.

Маълумки, Сўх анклав минтақа. Жўррофик жойлашувиди бундай ҳолат айнан маҳаллий саноатни ривожлантириш, янги иш

ЎзХДП фаоллари

МАҚСАД ВА МАСЛАГИМИЗНИ

АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН МУСТАҲҚАМЛАЙЛИК

Ҳар гал тоғ бағридаги Сўх қишлоқларини баҳри-диллим очилиб сайр қиламан. Сўлим табиати, сирли-синаотли манзаралари гўё одамларнинг ҳам руҳига сингандек. Сўхликлар ишчан, мақсад йўлида қатъий, тўғриси ва гапининг устидан чиқадиган одамлар.



ўринлари яратиш, ички маҳсулот ҳажминини кўпайтириб, туман бюджетини мустақамлашни тақозо этади.

— Аслида бу ЎзХДП дастурида белгиланган масалалар билан ҳамоҳанг, — дейди Мадалихўжа Аъзамов. — Партиянинг иш ва фаровонлик барча учун, деган шiori, айниқса, Сўх шароитида ўзгача аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш соҳаларини кенгайтириш, одамлар даромадларини ошириш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, халқ ҳўнармандчилиги, касаначиликни ривожлантириш партияимиз электорати манфа

атларини таъминлашнинг шартларидан биридир. Мадалихўжадаги эл ишига муносиб ҳисса қўшишга интилиш тўғрисидаги Сўхликларнинг кўчилиги ота тарбиясининг маҳсули. Сўнги бир йил ичида Газнов қишлоғи марказида замонавий услубда фуқаролар йиғини идораси қурилишига ўз ҳисобидан 28 миллион сўм ажратди. Шунингдек, қишлоқда турли миллдий байрамларимизни нишонлаш, иккита оилага бир бошдан қорамол олиб бериш, кам таъминланган оила фарзандининг олий ўқув юртида таълим олиши учун шартнома-контракт пулини тўлаш, қишлоққа тоза

ичимлик суви қувурлари тортиш ва бошқа савобли, хайрли ишларга бун неча ўн миллион сўм ҳомийлик ёрдамлари кўрсатди. Унинг ўзи бу ҳақда гапиришни ҳўшламайди. Ҳамқишлоқлар

шишдир. Мадалихўжа шу фикрларни айтар экан, маслақдошлари таклифини инобатга олиб тузилган БПТнинг истиқбол режалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Шу ўринда бир мулоҳаза айтишни жоиз деб ўйлайман. Олис Сўхнинг Газнов қишлоғидаги ҳолат, ҳозирги шароитда ижтимоий жамоавийлик табиий зарурат эканини кўрсатмоқда. Мадалихўжа ва унга ўхшаган ўнлаб партиядошларимиз ўз ташаббуси билан жамоаларида ижтимоий ҳимоя устуларини ўрнатмоқдалар. Бу ерда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг гоялари нақадар ҳаётий экани ўз ифодасини топмоқда.

Собиржон ота Аъзамов билан дил қулфини очувчи суҳбат кура бошлаган эдик ҳамки, ҳамқишлоқларидан бири қизини унаштириш маросимига, яна бирови олий ўқув юртига ўқишга кетаётган ўғлига дуои фотиҳа беришга қорлаб келди.

Биз ҳам Мадалихўжадек эл-юрт фидоисини тарбиялаб вояга етказган отахонга соғлиқ, бардавом умр тилаб хайрлашдик. Сўхнинг ҳаммиси баҳорий ҳавоси, газновликларнинг беғубор, меҳрга йўғрилган суҳбатлари дилмизга ором, танимизга қувват бахш этганди.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШУНДАЙ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУҚР

Касб байрамимиз арафасида эрта билан мактабимиз директори кўнғирок қилди. Қандайдир топширик берса керак, деб ўйладим. Ҳол-аҳвол сўрашдик, байрам билан бир-биримизни табриқладик. Унвонлар муборак бўлсин, деб қолди. Президентимиз Фармонига кўра ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвони билан мукофотланганимни айтди. Бу кутилмаган хабардан қаттиқ ҳаяжонланиб кетдим.

Кейин кўз ўнгимдан ўқитувчилик фаолиятим, устозларим, шоғирларим ўта бошлади. Бу юксак унвонга муносиб бўлишим кераклигини, энди менга масъулият янада кўпроқ юкланганини тушундим. Галдаги режаларим ҳаёлимга келди. Илмий излашларимни давом эттириб «Ярим ўтказгичлар асосидаги



кўёш элементларини яратиш ва унинг истиқболли келажаги» мавзусидаги докторлик диссертациямни тезроқ тугатишни ўйладим.

Аслини олганда, мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар менинг меҳнатларимни ҳам юзага чиқарди. Кадрлар тайёрлаш Миллий

дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури таълим-тарбия тизимимизни халқроқ андазалар даражасига кўтариб, мактабларимизнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Узоққа бормасдан мактабимиздан мисол келтирай. Замонавий лабораториялар, фан, компьютер (макта-

бимизда 30 дан ортиқ компьютер бўлиб, интернет тармоғига уланган) ва лингафон хоналари, дарсликлар, ўқув-услубий воситалар, шинам спорт зали ва майдони, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбияни намунали ташкил этиш учун барча шароитлар яратилди. Жорий йилда мактабимизда 131 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари баҳарилди.

Шундай кунларга етказганига минг бора шуқр. Ўз касбимдан фахрланаман. Менга берилган бу юксак унвон кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади. Бундан кейин ҳам бор билим-тажрибамни баркамол авлод тарбиясига бағишлайман.

Султонпоша МУЗАФФАРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабнинг физика фани ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

Обуна — 2010

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН

Шахрисабз туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Лола Рўзиеванинг «Қашқадарё» газетасида матбуот нашрлари билан танишиб боришни жуда исташи, аммо обуна бўлишга иқтисодий имконияти йўқлиги ҳақидаги мактуби босилиб қикди. Кўп ўтмай ана шу нашрда миннатдорчилик мактуби ҳам эълон қилинди. Лола Рўзиева унда шундай деб ёзган: «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг хайрли ишларини кўп эшитганман. Мазкур партиянинг аҳоли ижтимоий ҳимояга қатлами манфаатларини ифода этишидан ҳам хабарим бор. Айнан менинг газетамда босилган хатимга уларнинг эътибор қилиши кўнглимни кўтарди. ЎзХДПдан халқ депутатлари Шахрисабз туман Кенгаши депутати, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Шахрисабз филиали бошқарувчиси Абдуғаффор Каримов ана шундай кишилардан бири. Унинг депутат сифатида қилаётган ибратли ишлари ҳақида кўп эшитган эдим. Ҳўллас, «Ўзбекистон овози» ва «Қашқадарё» газеталарини 2010 йилда тўлиқ ўқийдиган бўлдим. Абдуғаффор ака ўз оилаки иш ҳақидан мени бу матбуот нашрларига обуна қилдилар. Кимгадир бу оддий гап бўлиб туюлиши мумкин. Аммо шу саховатли инсон туфайли хонадонимиз аъзолари бир йил давомида юртимиз, дунёда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб борамди. Рост, газета ўқишни, замон билан ҳамнафас бўлишни жуда истаيمان. Бу ниётимага етдим...»

Депутатнинг ушбу хайрли ташаббуси бошқаларга ўрнак бўлишга арзийди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакат манзараси

Бугун кўҳна шаҳар — Бухоро ўзгача чирой ҳақда тароват касб этган. Гарчи олтин куз бўлса-да, шаҳар гузар ва кўчаларида гўё баҳор: ҳаммаёқ гулларга бурканган. Турфа рангади гуллар ҳиди шаҳарни қоплаган, уларга боқиб, дили яйрайди кишининг. Бундай гўзал манзара сайёҳлар эътиборини тортипти.

ГУЛГА БУРКАНГАН ШАҲАР

— Чинда ҳам шаҳарнинг кўрки-таровати бўлақча, — дейди швейцариялик сайёҳ Мартин Класс. — Худди бизнинг мамлакатдагидек ҳамма тараф кўм-кўк экан. Хусусан, тонгдаги манзара тарихий обидаларга уйғунлашгандек. Бухоронинг гулсевар эли меҳнати маҳсули бу! Шаҳар яшнаб турибди.

Дарвоқе, шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб юрсангиз, минг-минглаб йиллар силсиласидан шаҳодат берувчи осори атиқалар билан бирга, замонавий бинолар, гулу гулзорларга бурканган раван йўللар, хиёбону бекатлар қадим юртини яшартириб юборганининг шоҳиди бўласиз.

тақиллиги шоҳ кўчалари ва йўл бўйларига иссиқхоналарда етиштирилган бир миллион тупдан ортиқ мавсумбоп гул кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, 54430 донна атиргул, 4568 та можжевельник, 600 туп япон саффораси, кўплаб каштан, чинор, туп, япон беҳиси йил бошида ўтказилганди.

Шунингдек, шаҳар худудидаги 45 километр узунликдаги йўллар атрофи ободонлаштирилди, бунга 60 миллион сўм маблағ сарфланди.

Мухтасар айтганда, бугун Бухорои шариф гулга бурканган...

Ўз мухбиримиз

укроналик

ТОПИНГАНИМ ЎЗИНГАН, ВАТАН!

Биз ўтаётган ҳар бир кунимиз, эришаётган ҳар бир ютугимиз юртимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилаётган шуқхули даврда яшаётимиз. Президентимиз таналаган ўзбек модели асосида давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ислохотлар юксалиш босқичига кўтарилди. Тарихан қисқа муддатда эришган муваффақиятларимизни жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш ва ҳайрат билан эътироф этапти. Дунёнинг йирик давлатлари билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилди. Жаҳонда ўз сўзимизга, ўрнимизга эга бўлдик.

Яқинда турмуш ўртоғимнинг хизмат вазифаси туфайли хорижда узоқ муддатли сафарда бўлганимда буларнинг баирини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Шу юрт фарзанди экан-

лигимдан фахрландим. Бегона юрт тупроғига қадам қўяётганимда Ўзбекистон элчи хонасида хилпираб турган байроғимизни кўриб қалбим алланечук гурурга тўлди. Шаҳарнинг кенг майдонида адабиётимизнинг тенгсиз намунасида, буюк мутафаккир, улуғ зот — Алишер Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали, пойига қўйилган гулларни кўриб ўзбеклигимдан ифтихор қилдим.

Бу ерда жуда кўпчилик билан ҳамсуҳбат бўлиб, фикрлар билан қизиқдим.

— Илгарилари юртингизнинг фақат қовун-тарвузларини билар эдик, — деб гап бошлади суҳбатдошларимдан бири. — Бугун эса жаҳон микрўёсида обрў-эътибори ортиб бораётганига гувоҳимиз. Яқинда таълим вазиримиз телевидениеда интервью берди.

Юртингизда бўлиб таълим жараёни билан танишибди. Олиб борилаётган ислохотлар жуда катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Эришган ютуқларингиз, тажрибаларингиздан унумли фойдаланиш кераклигини таъкидлади.

Кўчаларимизда елдек учиб юрган бир-бирдан чиройли «Ласетти», «Нексия», «Дамас», «Матиз» машиналари барқарор иқтисодингиз маҳсули эканлигини кўрсатиб турибди. Серқуёш, жаннатмакон юртингизга қизиқишим катталигидан бу йил саёҳат қилишни режалаштирганман.

Она-Ватанинг ҳақида шундай ҳаяжонли сўзларни хорижда ашитиш завқ бағишлар экан. Суҳбатдошим менга ҳавас билан қараб, сўзининг охирида «Сиз шу юртада тутилганлигингизнинг ўзи бир

бахт», деб қайта-қайта айтди.

Телевидение орқали она-Ватаним ҳақида берилган кўрсатувларни ҳаяжон билан кузатиб бордим. Олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, гўзал юртим манзараларини кўрганда гурурандими, кўзларимга ёш келди. Кўрсатувларни томошаси қилар эканман, юртимни, ақилларимни, ҳамма-ҳаммани соғиндим. Тезроқ қайтишни илҳақ бўлиб кутдим.

Ниҳоят хизмат сафаримиз тугаб, ортга қайтдик. Самолётдан тушим биланқон она юртим ҳавоси кўсимини тўлдириди. Ватанимизни соғинганимни янада чуқурроқ ҳис қилдим. Соғинч тўла кўзларим билан чор атрофга, ёнимдан ўтаётган ҳар бир юртдошимга меҳр билан қарадим. Кадрдон Тошкентимдаги ҳамма нарса гўзал бўлиб кўринди.

Адиба АЛИМОВА

Тиббиёт: Халқаро ҳамкорлик

Мамлакатимизда эртаимизнинг ворислари бўлиш болалар саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бинобарин, Соғлиқни сақлаш вазирлиги она ва бола сиҳат-саломатлигини тиклаш борасида даволашда сифат кўрсаткичларини ошириш, энг замонавий тиббий хизмат турларини кўрсатиш, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасини ўрганиш учун нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилган алоҳида эътибор қаратиб келяпти.

«Оперейшн Смайл» Халқаро болалар жамоат ташкилоти 1982 йилда дунё мамлакатларидаги юз, жағ, танглай, лаб нуқсон билан туғилган бемор болаларга хайрия ёрдами кўрсатиш мақсадида ташкил топган. Айни пайтда жаҳондаги 51 та давлатда унинг бўлимлари фаолият кўрсатади.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг бир гуруҳ олим ва мутахассислари нуфузли «Оперейшн Смайл» («Operation Smile») Халқаро болалар жамоат ташкилотининг Сингапур бўлими билан дастлабки алоқа ришталарини боғлади.

«Оперейшн Смайл» Халқаро болалар жамоат ташкилотининг 30 нафар шифокорлари шу йилнинг сентябрийда мамлакатимизга ташриф буюришди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Оперейшн Смайл» Халқаро болалар жамоат ташкилотининг Сингапур бўлими ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни имзолади.

Халқаро ташкилот шифокорлари Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг базасида жағ, танглай, лаб нуқсон билан туғилган бир гуруҳ болаларни жаррохлик амалиёти билан даволашди.

Биз жаррохлик амалиёти амалга оширилган бир гуруҳ бемор болалар ҳамда ота-оналар билан учрашдик.

— Бўстонлик туманининг Бонгистон қишлоғидан келдик, — дейди ўзини Умида Нормуродова деб таништирган аёл. — Қизим Севинч Уролова, 3 ёшда, буйнида куйикдан каттакон чандиқ қолганди. Қизим улғайиб кўнгли ўқийди, деб жуда ташвиш чекардим. Минг раҳ-

Болам операциядан яхши чиқди. Шифохонада ҳамма шароитни яратишди, раҳмат. — Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидан келдик, — дейди Инобат Ҳабибуллаева. — Қизим Доно туғма ногирон — лаби тиртиқ эди. Операциядан сўнг қизимнинг ойдай

бекистонда бу соҳада истеъдодли мутахассислар кўп экан. Биз улар билан ҳамкорликда операциялар қилдик. Бизнинг мақсадимиз — дунё болалари баркамол, жисмонан соғлом бўлсин. Бизга 150 нафар бемор боладан 70 нафарини танлаб тайёрлашган экан. Биз

каб операцияга муҳтож 70 нафарини танлаб олиш режалаштирилган эди. Аммо хорижлик шифокорлар ота-оналарнинг эканлигидан руҳланиб, ҳамма беморларга тиббий хизмат кўрсатишга қарор қилди. Биз жаррохлар сонини оширдик, кўшимча чора-тадбирларни белгиладик ва ҳамма болаларга тиббий ёрдам қилишга киришдик, тунги соат 20-21 ларгача ишладик. Мақсадимиз — бемор болаларимизнинг соғлиги тиклансин, ота-оналарнинг қалбида армон бўлмасин.

Кези келганда шуни эслатиб ўтишни истардикки, хорижлик мутахассислар амалга оширган жаррохлик амалиётини иш фаолиятимизда қўллаяёмиз. Институтимизда 5 йилдан буюн 10 та койкалик пластик жаррохлик бўлими ишлаб турибди, йилга 300 та туғма жағ, танглай, лаб нуқсон операцияларини амалга оширяёмиз. Бу борада ўтган йили Германия, Австрияда амалга оширилган мураккаб операциялар натижаларининг тақдирини ўтказдик. Европалик мутахассислар тақдимотида юкори баҳолада ҳамда халқаро ташкилотларнинг эътиборини тортдик.

Келгуси йили бундай тадбир Индонезияда бўлиб ўтиши режалаштирилган. Унда бизнинг мутахассислар ҳам қатнашади. Дунё болаларининг бегонаси йўқ, улар бола, фарзанд...

Бу халқаро ташкилот билан дастлабки ҳамкорлигимиз. Бинобарин, «Оперейшн Смайл» Халқаро болалар жамоат ташкилотининг Сингапур бўлими билан келгуси йили Самарқанд ва Бухорода навбатдаги тадбирларни ташкил қилишни режалаштирдик.

Дарҳақиқат, боланинг бегонаси йўқ, бизнинг жигарбандимиз, уларнинг барчаси соғлом, баркамол инсон бўлиб вояга етишга бирдек ҳаққидир.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ ЙЎҚ!..

мат, қизимни пластик операция қилишди, аҳоли яхши... Кўзларимга ишонмайман... Бу мўъжизага ўхшамайди.

— Биз Олмаликданми, етти ойлик боланим операция қилишди, — дейди Юлия Герасименко. — Ўғлим Семён туғма «кўён лаб» эди. Операция яхши ўтди, тўғриси, ўз миннатдорчилигимни қандай изҳор этишни билмайман.

— Мен Малика Мўйдиновман, Янгийул туманининг Халқобод қишлоғидан келдик, — дейди аёл кўзларида ёш билан. — Бир яшарлик қизим Сарвиноз «кўён лаб» бўлиб туғилганди. Бу ҳолдан оиламизнинг ороми бузилди, қиз бола бўлса, эрта буйи етса... деб дардим ичимда эди. Операция қилишди, боланинг аҳоли яхши. Сарвинозим энди ойдек қиз бўлди.

— Баҳмал туманининг Қатортол қишлоғиданми, эрим билан қариндошимиз. Иккинчи фарзандим, Амриддин Холбоевнинг ўнг кўлидаги 3 та бармоғи бирлашиб, туғма нуқсон бор эди. Боласи ногирон онанинг ҳоли ҳаммага аён...



уларнинг ҳаммасига ёрдам беришга қарор қилдик. Ва буни уйдаладик. Чунки қай тилда сўзлашмайлик, дунёнинг қайси мамлакатда яшамайлик, биз шифокормиз, беморнинг эса бегонаси йўқ. Диёрингизда биринчи бор бўлишимиз. Очиғи, болажон халқингиз, меҳмондўст одамлар, ҳам-

юзига қараб, тўғриси, кўзларимга ишонмаяман... У севинчдан йиғлаб бошқа сўз айттолмайди.

Фарзандлари операциядан чиққан ота-оналар кетма-кет келиб, шифокорларга, шундай имкониятни яратган ташкилотчиларга, акция қатнашчиларига ўз миннатдорчилигини айтишди.

Сўнгги мураккаб операцияни амалга оширган хорижлик шифокорни саволга тўтдик.

— Жаноб, доктор Ло, амалга оширилган операциялар натижасидан қониқиб ҳосил қилдингизми?

— Аввало, шуни таъкидлаш истардимки, — дейди «Оперейшн Смайл» Халқаро болалар жамоат ташкилотининг Сингапур бўлимида ташриф буюрган доктор Гари Ло. — Ўз-

маси бизда катта таассурот қолдирди. Ҳукумат томонидан болалар соғлиғига жуда катта эътибор берилган экан. Ўзбекистон ҳукуматига бизни қўллаб-қувватлагани учун ташаккуримизни билдираёмиз. Биз келгусида ҳамкорликни янада кенгайтираёмиз.

Мурод Жаъфаров, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг лор кафедраси мудири, халқаро алоқалар бўлими раҳбари:

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Меҳрибонлик уйлари, вилоятлардаги лаб-танглайда нуқсон бўлган бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказдик, уларнинг ижтимоий аҳолини ўргандик. Ва 150 нафар беморни операцияга тайёрладик. Улардан энг мурак-

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2010 йилги дастур асосида вилоятда янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган қуйидаги касб-хунар коллежлари ҳамда улар қошидаги ётоқхоналар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан **ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Объект манзили	Йўналиши	Куввати
Янгидан қуриладиган касб-хунар коллежлари:			
1.	Ангор тумани, Қайран қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Политехника	435
2.	Денов тумани, Тортувли қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Саноат ва сервис	435
3.	Денов шаҳри, «Ойбек» маҳалласидаги касб-хунар коллежи	Спорт ва педагогика	585/50
4.	Жаркўрган тумани, «Янгиариқ» маҳалласидаги касб-хунар коллежи	Ахборот технологиялари	585
5.	Кумқўрган тумани, Шерозий қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Педагогика	585
6.	Кумқўрган тумани, «Т.Муқимов» маҳалласидаги касб-хунар коллежи	Нефть ва газ	435
7.	Музработ тумани, «Гагарин» маҳалласидаги касб-хунар коллежи	Саноат ва хизмат кўрсатиш	435
8.	Олтинсой тумани, Янгикўрилик қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш	615
9.	Узун тумани, Файзова қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Савдо ва хизмат кўрсатиш	615
10.	Шўрчи тумани, Оққўрган қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Савдо ва хизмат кўрсатиш	435
11.	Шеробод тумани, Гулистон қишлоғидаги касб-хунар коллежи	Политехника	435
Капитал реконструкция қилинадиган касб-хунар коллежлари:			
1.	Термиз шаҳридаги Педагогика коллежи (реконструкция)	Педагогика	795/200
Касб-хунар коллежлари қошида қуриладиган ётоқхоналар:			
1.	Термиз шаҳридаги Олимпия захиралари КХК учун ётоқхона		200
2.	Денов тумани марказидаги тиббиёт йўналишидаги КХК учун ётоқхона		100
3.	Денов туманидаги компьютер технологиялари йўналишидаги КХК учун ётоқхона		50
4.	Қизирик тумани марказидаги педагогика йўналишидаги КХК учун ётоқхона		50
5.	Олтинсой тумани марказидаги педагогика йўналишидаги КХК учун ётоқхона		100
6.	Сариосий тумани марказидаги педагогика йўналишидаги КХК учун ётоқхона		100
7.	Узун тумани марказидаги педагогика йўналишидаги КХК учун ётоқхона		100
8.	Шўрчи тумани марказидаги тиббиёт йўналишидаги КХК учун ётоқхона		50
Капитал реконструкция қилинадиган ётоқхоналар:			
1.	Термиз шаҳридаги санъат йўналишидаги КХК учун ётоқхона		100

Объектларнинг қурилиш муддати — 2010 йил 1 август. Буюртмачи: **Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.** Манзили: **Термиз шаҳри, А.Бақуменов кўчаси, 5-уй.** Тел/факс: **(8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.**

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджетидан маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблагининг ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий маъна, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздархитехтқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.
Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.


Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисида тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

Шарҳ

СИЁСИЙ ТОРТИШУВЛАР
салкам 5 йилдан бери давом этади



Аслида бу кўҳна дунё сиёсий можаролардан, иқтисодий геомонлик курашларидан, шовинистик руҳдаги қарашлардан беиз бўлган. Шунинг учун ҳам дунё аҳли «бош оғриқлар»сиз яшаш умидида глобаллашув сари юз тутди: халқаро ташкилотлар тузиб, унга бирлашиб ҳаёт кечириб замона зайлига айланди. Аммо ачинарлиси шуки, халқаро ташкилотларга бирлаш жараёни XX асрда шаклланган бўлишга қарамай, барибир сиёсий тангликдан дунё ҳамон халос бўлган йўқ. Ҳатто халқаро ташкилотларга аъзо давлатларда ҳам ички сиёсий келишмовчиликларнинг ҳануз давом этаётгани айни ҳақиқат. Буни Европа Иттифоқи мисолида кўриш мумкин.

«Новости» ахборот агентлиги мухбири берган хабарларга қараганда, Польша президенти Лех Качинский ниҳоят Европа Иттифонининг «Лиссабон шартномаси»ни имзолади. Ниҳоят дейишимизга сабаб — шу пайтгача у Ирландиянинг шартномага нисбатан салбий муносабатини рўқач қилиб, имзоламаётган эди. Шу йил 2 октябр Ирландияда қайта ташкил этилган умумхалқ референдумида кўпчилик овоз билан (70 фоизга яқин) шартнома қабул қилинди.

Шу ўринда айтиш лозимки, «Лиссабон шартномаси» фақат Ирландиядагина умумхалқ референдуми йўли билан тасдиқланди, Европа Иттифоқи аъзо бошқа давлатларда эса мамлакатлар миллий парламентлари томонидан ратификация қилинди.

Ирландияда ўтган йили июнда ҳам мазкур масала юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилган эди. Ушунда референдум иштирокчиларининг 53,4 фоизи шартнома имзоланишига қарши овоз берган эди. Европа Иттифоқи етакчиларининг бир қанча уринишларидан сўнггина Ирландия раҳбарияти қайта референдум ўтказилишига розилик берди. Аниқроғи, жорий йил июнда Европа Иттифоқи Ирландияга ён босиб, унинг талабларига рози бўлди, яъни Ирландияга бир қанча сиёсий кафолатлар берди.

Энди «Лиссабон шартномаси» Чехия парламенти томонидан ратификация қилиниб, мамлакат президенти Вацлав Клаус томонидан имзоланса (дарвоқе, Чехия ҳам ўз талабларини илгари сурмоқда. Европа Иттифоқи унга ҳам ён босишига тўғри келадди), шартнома тасдиқланиши бўйича иш якунига етади, яъни Европа Иттифоқи аъзо 27 та давлат парламентлари томонидан ратификация қилиш жараёни 2 йил дегадга якунланади.

Дарвоқе, ушбу шартнома 2007 йилда ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан тасдиқланмаган Европа Иттифоқи Конституциясининг муқобили сифатида ишлаб чиқилган.

Аслида Европа Иттифонининг бошқарув институтини такомиллаштириш юзасидан ишлар 2004 йил охирида бошланган эди. Ушунда Европа Иттифоқи Конституцияси ишлаб чиқилиб, уни ратификация қилиш масаласи кун тартибига кўйилганди. Бироқ шундан кейин ички сиёсий тортишувлар авж олиб кетди. Конституцияни Европа Иттифонининг атиги 10 та — Австрия, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Словения ва Словакия давлатларига ратификация қилганди. Франция ва Нидерландияда Конституцияни референдум йўли билан тасдиқлаш масаласи эса барбод бўлди. Францияда 55 фоиз, Нидерландияда 62 фоиз аҳоли унга қарши овоз берди. Шундан сўнг референдум ўтказиш бўйича Нидерландиядан кейин навбатда турган айрим давлатларда, жумладан, Люксембург, Дания, Ирландия, Португалия, Буюк Британия, Чехия ва Польшада умумий сўровлар ўтказилган ва унинг натижалари ҳам ўта пастлиги боис Конституцияни тасдиқлаш масаласи «музлаганича» қолган эди.

Орадан 2 йил ўтиб, Конституциянинг муқобили сифатида янги базавий битим ишлаб чиқилди ва 2007 йил октябрда Португалия пойтахтида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида улар эътиборига ҳавола этилиб, мазкур ҳужжат юзасидан келишувга эришилди. «Лиссабон шартномаси» деб аталган ушбу ҳуқуқий ҳужжат 2007 йил декабрда расмий тасдиқланган. Шундан сўнг у Европа Иттифоқи аъзо 27 та давлатнинг миллий парламентлари томонидан ратификация қилиниши лозим эди.

Бу жараён 2 йилдан бери давом этмоқда. Уни имзолаш катта тортишувларга сабаб бўлмоқда. Демак, шартномада ҳар бир давлат халқининг миллий менталитетидан келиб чиқилган ёндашувлар акс этмаган. Шунинг учун ҳам ратификация қиладиган давлатлар ўз манфаатлари намоён этилишини талаб қилмоқдалар ва айримлари бу талаблар инobatта олинишига эришмоқда ҳам.

«Лиссабон шартномаси» Европа Иттифонини институционал ислох қилишни назарда тутадди. Жумладан, Европа Иттифоқи президентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги жорий этилади. Ташкилот президенти 2,5 йил муддатга сайланиб, халқаро саммитларда у Европа блокни намоён этади. Шунингдек, шартномада Европарламент депутатлари ва Еврокомиссия комиссарлари сонини қисқартириш ҳам кўзда тутилган. Бу қисқартиришлар ташкилотга аъзо айрим давлатлар, аниқроғи, яъни ички маҳсулоти кам мамлакатлар ҳисобига тўғри келмоқда. Бу эса улар норозилигини кучайтирмоқда. Аъзо давлатларнинг ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш учун ташкилот томонидан ажратиладиган дотация миқдорининг турлича эканлиги ҳам баҳс-мунозараларга, норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Интернет маълумотларида қайд этилишича, ташкилот президентиликга номзодларни илгари суриб айни кунларда муҳкама этилмоқда. Ирландиянинг собиқ раҳбари (у Ирландия тарихидаги биринчи аёл президент ҳисобланади) Мэри Робинсон, Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр, Люксембург ва Нидерландия ҳукуматларининг амалдаги раҳбарлари Жан-Клод Юнкер ва Ян Петер Балкененде сингари номзодлар президентлик учун кураш олиб боришлари мумкин.

Ушбу декадада Брюсселда Европа Иттифонининг навбатдаги саммити бўлади. Шу саммитда номзодлар расмий муҳкамага қўйилади.

Алимқул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи.

С П О Р Т

Украинанинг Алушта шахрида кураш бўйича VII жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан ўтказилди. Унда дунёнинг олти мишга яқин давлати полвонлари медаллар учун беллашдилар. Бунгача кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларига Тошкент, Ереван, Анталия, Будапешт, Улан-Батор сингари шаҳарлар мезбонлик қилганди.

АЛУШТАДА КУРАШ БАЙРАМИ

Алуштадаги «Спартак» стадионида эркаклар ўртасида

Аммо у ўз вази тоифасида ҳал қилувчи учрашувда Владислав Михалин (Россия)га

ифасида эронлик Ризо Муҳаммад Рўдаки финалда Индриен Пин (Франция)дан устун келди.

Шундай қилиб, эркаклар ўртасида вакилларимиз учта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлишди.

Жаҳон чемпионатида аёллар ўртасида ҳам кучлилар етти (48, 52, 57, 63, 70, 78, 87 кг.) вази тоифасида аниқланди. Унда гиламга чиққан етти курашчимиздан олти нафари голиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Жум-




60, 66, 73, 81, 90, 100 ҳамда +100 кг. вази тоифаларида совриндорлар номлари аниқланди. 60 кг. вази тоифасида Уктам Эргашев юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Аммо унга кучлилар қаторидан жой олиш насиб этмади. Мазкур вази тоифасида финалда эронлик Мустафо Далериён Бахитжан Туребеков (Қозоғистон)ни мағлубиятга учратиб, олтин медал билан тақдирланди. Геворг Гаспарян (Россия) ҳамда Файратжон Зерипов (Туркменистон)лар эса фахрли учинчи ўринни банд этишди.

имкониятни бой берди. Рамазон Мустафоев (Қозоғистон), Закариё Сорхзоу Моради (Эрон) эса шохсупанинг учинчи погонасидан жой олди.

Ўзбекистон терма жамоаси учун илк олтин медални Шароф Холматов (81 кг.) тўхфа қилди. У финалда Муҳаммад Жамол (Эрон)ни доғда қолдирди. Андрей Моторкин (Россия), Гергий Иадзе (Грузия)лар эса жаҳон чемпионатининг кумуш медалларига муносиб топилдилар.

Кураш бўйича жаҳон чемпионлари Шерали Жўраев (90 кг.) ҳамда Давлат Чориев (100 кг.) Алушта гиламларида ҳам тенгсиз эканликларини намойиш этдилар. Ўз вази тоифасида Шерали Қозоғистонлик Руслан Абдураззоқовни, Давлат эса грециялик Дионисис Илиадисни енгиб, шохсупанинг энг юқори погонасига қўтарилишди. Халқаро турнирлар совриндори, Осиё чемпиони Шуҳрат Муродов (+100 кг.) эса мусобақанинг бронза медал билан кин-фояланди. Мазкур вази то-



ладан, Соҳибжамол Холиқулова (78 кг.) олтин, Муқаддас Кубеева (48 кг.), Шохид Назарова (52 кг.), Маҳмуд Сатторов (57 кг.), Ўйил Нуралиева (63 кг.) ҳамда Гулмира Исмаева (87 кг.) кумуш медал билан тақдирландилар.

Этиборлиси, илк марта таба жаҳон чемпионатида жамоавий беллашувлар ўтказилди. Унда эркаклар ўртасида полвонларимиз бош совринни қўлга киритишган бўлсалар, аёллар ўртасида ҳамюртларимиз фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Эркин ХОЛБОБО
Суратларда: жаҳон чемпионатидан лавҳалар.

Диққат! Янги рукун: Сиз кутмаган сўхбат



Ушбу янги рукунимизнинг илк меҳмони Тошкент шаҳар марказий майдонларни ободонлаштириш Бош бошқармаси сайилгоҳ бўлими агрономи Абдусолиқ Муслимовдир.

Сайилгоҳ — пойтахтимизнинг энг сўлим, хушманзара гўшаларидан бири. Бу ерга ташриф буюрган инсонлар ямашил табиат манзаралари, сержило гуллар ва мафтункор дарахтларни кўриб, кўнгли равшан тортади, қалби чексиз орзулар оғушида сайр этади. Беихтиёр ана шундай гўзал, эҳлади ҳам шундай яратган қўлигил инсонларга тасаннолар айтгиси келади.

— **Абдусолиқ ака, келинг, сўхбатимизни ушбу касбни нима учун танлаганингиздан бошласан.**

— Ота-боболарим аздалдан дов-дарахт экиб, гул ва кўчат парвариши қилишган. Бу касб менга улардан ўтган. Болалигимда томоркамиздаги хина, ўсма, райхон, зарпечак каби ўсимлик ва гуллар, ҳар хил мева ва дарахтларга қараш менинг зиммамга юклатилган эди. Бугун ўйлаб

ХИЁБОН + БОН

қарасам, дадам бу ишни атайин қилган эканлар.

Ўрта мактабни тамомлагач, ҳозирги Аграр университетида ўқишга кирдим. Устозларимдан боғдорчиликнинг сир-асрорларини кўнгли билан ўргандим. Мана, ҳозир ўша олган билимларимни деярли 12 йилдан бери сайилгоҳимизни чирой очилиши учун сарфляяман.

— **Бу ердаги гуллар ранг-баранглиги, нафислиги ва бежиримлиги билан кишини ҳайратга солади...**

— Дарҳақиқат, ҳатто ориждан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам буни эътироф этишмоқда. Мустақиллигимизнинг 18 ва пойтахтимизнинг 2200 йиллик тантаналари арафасида бутун шаҳримизда, қолаверса бизнинг сайилгоҳимизда ҳам ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ажратилган 10 гектар ерга уруғи асосан Германиядан ва Нидерландиядан келтирилган жами 50 000 донга гул кўчатлари экиди. Улардан форазия, хинд сирени, Сурия атиргуллари ўзининг жозибаси билан алоҳида ажралиб туради.

Шунингдек, Фанлар академиясида яратилган хил-хил каталпа номли манзарали дарахт кўчатларидан 50 донга ўтказдик. Опоқ бўлиб гуллайдиган ушбу ажойиб дарахт кўпчиликка манзур бўлгани учун,

уни яна кўпайтирмоқчимиз. Исроил технологиялари асосида барпо этилган янги сугориш тизимининг йўлга қўйилганлиги бизга жуда қўл келмоқда.

— **Тошкент кўчаларидан ўта туриб, одамларга байрам кайфиятини улашувчи «18», «2200» рақамлари турфа, анвойи гуллар билан жуда чиройли ифодаланганлигига кўзимиз тушади. Ана шундай гўзал манзарани яратиш жараёни ҳақида гапириб берсангиз?**

— Иштиёқ бандид, меҳнаткаш гулчиларимиз қўли, қалб қўри билан яратилган бу гулли шакллари кўнглимизга ясалди. Белгиланган ерга цинерарие маритиме, иризиние каби ранг-баранг, бежирим гуллар хошия бериб экилади. Атрофи эса биз қарам деб атайдиган сальва нолми гаройиб ўсимлик билан ўраб олинади. Бу гуллар гўзаллиги ва ўта хушбўйлиги билан бирга, анчагина «инжик» ҳамдир. Уларни парваришда алоҳида маҳорат талаб қилади. Агарда гуллар ўз вақтида сугорилмаса ёки ёввойи ўт-ўланлардан тозаланмай, эътиборсиз қолдирилса, қилинган меҳнат пучга чиқиши мумкин. Масалан, бизга ажратилган ўн гектар ерда 35 киши меҳнат қилса, шулардан олти нафари туну кун мана шу ажойиб гулларнинг парвариши билан машғул. Бу борада жаҳон

тажрибасини ўрганиш мақсадида моҳир гулчиларимиз чет мамлакатларда ҳам бўлиб қайтишди.

Келажақда сайилгоҳимизда турли туман бута кўчатлари, манзарали ва игнабаргли дарахтлар, япон сафораси, метасеквоя каби ўсимликларни ҳам кўпайтирмоқчимиз.

— **Дарвоқе, игнабаргли дарахтлар хусусида. Айрим одамлардан арча «Бизнинг иқлимга тўғри келмайди», «Фойдасидан кўра зиёни кўпроқ» қабилдаги гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Мутахассис сифатида сизнинг фикрингиз қандай?**

— Бу хилдаги гапларнинг бари ноўрин. Сабаби арча дарахти бошқаларга қараганда ўзидан энг кўп исилород чиқариши билан

алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун у асаблари чарчаган, хоргин одамларга малхамдек ёқадди, уларни тинчлантиради. Мамлакатимиз иқлимига келсак, бу борада ҳам муаммо йўқ. Арча кўчатлари асосан Голландия, Бельгия каби об-ҳавоси бизники каби мўътадил бўлган давлатлардан, шунингдек, ўзимизнинг Сурхондарёдан келтирилмоқда. Улар Тошкент шароитида ҳам жуда яхши кўкаради. Кейин бутун йил давомида кўм-кўк бўлиб кўрган кўзни қувонтиради. Қолаверса, кўз фаслида ортиқча чиқинди, ташвиш тудирмайди. Фақатгина, шунингдек, ўзи парвариш қила олиш лозим.

Шу ўринда бир ривоят ёдимга келди. Унда айтилишича, обиҳаёт, яъни боқийлик сувини яратган Луқмони Ҳаким уни ичмасдан, ёш арча дарахтининг тағига қўяди. Шу сабабдан у доим яшайиш ва узок яшар экан.

— **Орзуларингиз...**

— Фарзандларимнинг бирортаси касбимни давом эттиришини жуда хоҳлагандим. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳозир бутунлай бошқа соҳаларда меҳнат қилмоқда. Эндиги умидим набираларимдан. Улардан сулоламиз давомчилари, хиёбон-бонлар етишиб чиқишига умид қиламан.

«Ўзбекистон овози» мухбирлари Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, Темур АЪЗАМ сўхбатлашди.

Юртимиз сихатгоҳларида «ТОВОҚСОЙ» — ҚАРИЯЛАРИНИГ ОРОМИЖИНИ

«Товоқсой» сихатгоҳи Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида, пойтахтдан 45 километр оловда жойлашган. Тиббий маскан дастлаб ёлғиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож қариялар уйи — пансионат сифатида иш бошлаган. У 1986 йилда қайта ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийлари сихатгоҳи мақомига эга бўлди.

диқлар ўрнатилган. 2008 йилда биринчи ётоқхона бўлими мураккаб таъмирланди. Ҳозир эса, иккинчи ётоқхона бўлими таъмирланмоқда.

Зарҳол Чоршанбаева Сурхондарё вилояти, Қизилқум туманида қовчи пенсионер: — 63 ёшданам. 30 йил ўқитувчи бўлиб ишладим. 2001 йилда оёғим оғриб «Товоқсой» сихатгоҳига келдим, анча

яхши бўлдим. Бу йил иккинчи марта келиб даволанаяпман. Сўхбатимизга шу туманда истикомат қилувчи Жаркин Сафарова қўшилиди. — Ҳозир пенсияданам. Оёғим оғрибди, тиззам бўкилмай қолганди. Бу ерда даволаниб, соғлигим анча яхши бўлиб қолди.

Ражаб бобо Файзуллаев, Бухоро шаҳридан: — 89 ёшданам. Иккинчи жаҳон урушида қатнашганман. Армиядан қайтиб келгач, кўп йиллар хайдовчи бўлиб ишладим. Даволаш жараёни яхши экан. Соғлигим тикланаяпти. Шунисига шукр.

Гулзапира Ирсимбетова Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани «Макпалкўл» хўжалигидан: — Республикаимиз энг шимолда жойлашган тумандан келдим. Қон босимим бор, оёқ-қўлларим қакшаб оғрибди. Сихатгоҳ шифокорлари, ҳамширалари томонидан олган эмлардан шифо топдим, минг раҳмат, насиб этса яна келаман.

— Келажақда сихатгоҳ тубдан яхшиланади, кенгайтирилади, ободонлаштирилади. Янги замонавий жаҳон стандартларига мос келадиган тиббий аппаратлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаймиз. Бу масканни қарияларнинг оромижонига айлантириш учун изланишдамиз, — дейди сихатгоҳ директори.

Рейимбой ЁШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги хизмат кўрсатиш соҳаси биносини Суд департаменти офиси учун реконструкция қилиш»

Объектнинг бошланғич қиймати:
— қўшимча қиймат солиғисиз — 148,721 млн. сўм,
— қўшимча қиймат солиғи билан — 178,465 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 30 декабрга.

Ишларни молиялаштириш бююртмачининг маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачини манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй. Телефон: (8372) 226-31-75. Факс: (8372) 226-34-98.

Танлов савдоларида иштирок этишган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағига ёки курсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базала-

ри, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифлари баҳолаш вақтида қўнунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан овоз этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов

савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферентлар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферентлар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферентлар очилиш куни ва соатига.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

1 «АГРОБАНК» ОАТБ Банк операциялари бошқармасидаги Хуршид Мўминовга тегишли №2040600040316407006 сонли №393711156 «ЯХШИ НИЯТ» номли шахсий ҳисобда сақланувчи омонат пуллари китобчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва маҳаллий кенгашлиари партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутаты Латиф Фуломовга онаси **НУРПОШША** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутаты Латиф Фуломовга онаси **НУРПОШША** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:	
Safar OSTONOV	
TAHRIR HAY'ATI:	
Abdulla OROPOV	
Latif G'ULOMOV	
Asliddin RUSTAMOV	
Bobir ALIMOV	
Sharbat ABDULLAYEVA	
Murodulla ABDULLAYEV	
Ulug'bek MUSTAFOYEV	
Taf'ana KISTANOVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV	
Svetlana GERASIMOVA	
Andrey KUSTOV	
Ochilboy RAMATOV	
Saidahmad RAHIMOV	
MUASSIS:	
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI	
BO'LIMLAR:	
Partiya hayoti 233-10-13	
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43	
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55	
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56	
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80	
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17	
VILOYAT MUXBIRLARI:	
Andijonda — 25-32-70	
Buxoroda — 223-06-02	
Gulistonda — 25-46-45	
Jizzaxda — 227-48-35	
Navoiyda — 223-83-73	
Namanganda — 226-43-43	
Nukusda — 222-77-21	
Samarqandda — 35-02-55	
Urganchda — 517-30-58	
Farg'onada — 224-18-78	
Donovda — 8-37641-23-780	
MANZILIMIZ:	
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.	
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz	
Navbatchi: Asror MO'MINOV	
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.	
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV	
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.	
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.	
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.	
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.	
Gazeta shehna, payshaba va shabha kunlari chiqadi.	
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	
Г — 949	
8178 nusxada bosildi	
I — Tijorat materiallari	
ISSN 2010-7633	
O'zA yakuni — 20.10	
Topshirilgan vaqti — 22.00	
1 2 3 4 6 7 8	
Sotuvda erkin narxda	